



# Farg'onha haqiqati

Ijtimoiy-siyosiy, ma'naviy-ma'rifiy gazeta

<http://farhaqiqat.uz/>

t.me/farhaqiqati



## ФАРГОНАЛИК ПАХТАКОРЛАР ШАРТНОМА РЕЖАСИНИ БАЖАРДИ

Бу йил 77 000 гектар ерда дәхқончилик қилган вилоятимиз паҳтакорлари 290 000 тонна сифатли ҳосил йиғиштириб олиб, шартнома режасини ортиғи билан бажардилар. Ҳосилдорлик гектарига ўртача 37,7 центнерданни ташкил этди. Ҳали далаларда ҳосил бор. Йиғим-терим давом этмоқда. Ялпи ҳосил 350 000 тоннага, ўртача ҳосилдорлик эса гектарига 45 центнерданга етиши кутилмоқда.

Муқимжон ҚОДИРОВ олган сурат.



## ҲАМАС қандай ташкилот?

Маълумки, жорий йил 7 октябрь куни эрталаб Фазо секторидан Истроил ҳудудига ракета ҳужуми бошланди. Кейинчалик ҲАМАС Истроилга қарши "Ал-Ақсо тұғони" ҳарбий операцияси бошланғанини эзлон қилди. Истроил мудофаа күчлери эса бунга жавобан "Темир қиличлар" "аксилтеррор операцияси"ни амалга оширеди. Шу тариқа Яқин Шарқда қыргынбарот уруш авж олди. Биз юқорида тилга олган ҲАМАС қандай ташкилот? Энди урушнинг тугаси нимага боғлиқ? Бу саволларга таниқли сиёсатшунос Камолиддин РАББИМОВ шундай жавоб беради.

7-бетда



18 октябрдан бошлаб Фарғона халқаро аэропортидан Саудия Арабистонининг Жидда шаҳрига тұғридан-тұғри авиақатновлар йўлга қўйилди.

## МЎҶИЗАЛАР ОСМОНДАН ТУШМАЙДИ



### Ёхуд Хитой тараққиётининг сирлари ҳақида

Хитойликларнинг феълини билиш учун аввало уларнинг қўйидаги мақолларини ўқиш керак деб ҳисоблайман: "Ўқиб туриб фикр қиласлик – аҳмоқлик, фикр қилиб ўқимаслик – фожиа", "Савдода энг муҳими – пулни санаш, дәхқончилиқда – эрта туриш", "Ўғрилик пиёз ўғирлашдан бошланади", "Ҳатто энг баланд тоғ ҳам қўёшни тўсолмайди", "Савдодан топилган мол – ўттиз йилга, тер ва қон билан топилган мол – минг йилга".

Ана шу нуқтаи назарга эга бўлган эл яратган мўъжизалар ҳақида дунё тарихчилари, адаб ва сиёсатчилари томонидан кўп ва хўб ёзилган. Назаримда, бу мамлакатнинг Шарқда, кунчиқарда, тағин океанга яқин жойлашувининг ўзи мўъжиза. Буни бизда "Худонинг назари тушган", дейишади.

4-бетда

### Долзарб мавзуда



## УЗУМНИНГ НАРХИ НЕГА ҚИММАТ?

Узумчилик, бу – халқимизнинг асрлар давомидаги миллый дәхқончилик маданияти, қадрияти, фурури ва даромад манбаи ҳисобланади. Узум халқимизнинг турмуш тарзи ва урф-одатлари билан бевосита боғланиб кетган. Ҳар бир кўчада, хонадонда ток бўлган. Қолаверса, узумчиликнинг иқтисодий самарадорлорлиги ҳам, ижтимоий аҳамияти ҳам катта. Айни кунларда Фарғона шаҳридаги марказий дәхқон бозори расталарида олтиндек товланиб турган "хусайнӣ", "каттақўрғон", "келин бармоқ" навли узумларнинг 1 килограмми 30-35 минг, "мерседес" нави 60 минг сўмдан сотилмоқда. Бунинг сабаби нимада? Ҳосил камлигидами ёки бошқа сабаб борми?

Шундай саволлар билан бозордаги сотувчи, харидор ва соҳа мутахассисларига мурожаат қилдик.

3-бетда

## 21 октябрь – Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган кун

Инсонни ғурур ва ифтихор доимо юксалтиради. Президентимизнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 78-сессиясида ўзбек тилида нутг сўзлагани ҳам ҳар бир юртдошимизга шундай куч ва руҳ бағишлади. Ўзбек бўлғанлигимиздан, шу тилда сўзлаётганимиздан ғурурландик. Ўзбек тилининг оҳанрабоси, сеҳри ҳар бир юракка етиб борди, десак янгишмаймиз.

Рости, яқин йилларда ҳам жаҳон минбарларида ўз она тилимизда гапиришдан уялганлар бўлди. Бундан кўз юмиб бўлмайди. Бугун эса бари ўзгарди, ўзбек тилининг жарангидунё минбарларини забт эта олди.

Миллатларни ажратиб турувчи асосий белгилардан бири тил экан, ҳар бир инсон ўз тилини билиши, уни улуғлаши ва шу билан бирга, бошқа миллатларнинг она тилига ҳам ҳурмат билан қараши лозим. Шундагина тилнинг, миллатнинг қадри ва обрўи, нуғузи ошади. Тил тарихини, унинг меъерий нуқтаи назардан шакланиш жараёнини, ривожланишини миллат тарихидан айри ҳолда ўрганиб бўлмайди.

Барчамизга маълумки, 1989 йилда қабул қилинган "Давлат тили ҳақида"ги қонунга асосан, ўзбек тили Узбекистон Республикасида ягона давлат тили сифатида тан олинди. 1995 йил 21 декабрда қонун янги таҳрирда қабул қилинди. 2020 йилдан эса 21 октябрь санаси – ўзбек тили байрами куни сифатидан нишонланмоқда,

Ўзбек тили миллий ўзлигимиздир. Узбекистон Республикаси Конституциясида давлат тилининг

мақоми ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилган. Шу тариқа ўзбек тили мустақил давлатимизнинг Байроби, Герби, Мадхияси қаторида турадиган, қонун иули

изки, "Давлат тили ҳақида"ги қонун она тилимизнинг бор гўзаллиги ва жозибасини тӯла намоён этиши билан бирга, уни илмий асосда ривожлантириш борасида ҳам кенг имкониятлар яратди. Олимлар ва мутахассислар томонидан илм-фан ва турли соҳаларга оид энциклопедия ва луғатлар, дарслик ва ўқув кўлланмалари чоп этилди.

Ўзбек тили байрамига бағишиланган тадбирларда "Давлат тили ҳақида"ги



## БАРЧАМИЗНИНГ ҒУРУР ВА ИФТИХОРИМИЗ

билан ҳимоя қилинадиган муқаддас давлат рамзига айланди.

Истиқолол йилларида мамлакатимизда барча соҳаларда бўлгани каби тилимиз тараққиётида ҳам мухим ўзгаришлар юз берди. Ўзбек тилининг халқаро миқёсда обрўси ошиб, фаол мулокот воситасига айланиб бормоқда. Турли даражадаги расмий учрашув ва музокараларда тилимиз кенг кўлланнаётгани, хориждаги қатор таълим даргоҳларида, илмий муассасаларда ўзбек тили марказлари ташкил этилиб, уларда она тилимизни ўрганишга қизиқувчилар сони кўпайиб бораётгани бунинг яққол далилидир.

Шуни ҳам таъкидлаш жо-

қонуннинг ижроси юзасидан амалга оширилаётган ишлар атрофлича таҳлил этилиб, галдаги вазифалар белгилаб олиниши яхши анъанага айланган.

Давлат ва жамоат идораларида иш юритиш, ҳужжатлар тайёрлаш, ариза ва маълумотлар қабул қилиш, турли мажлис ва амалий анжуманларни ўтказиш давлат тилида олиб борилмоқда. Қувонарлиси, хорижий мамлакат раҳбарлари билан бўладиган учрашув ва сұхбатлар, музокаралар, тегиши ҳужжатларни имзолаш маросимларида, халқаро саммит ва матбуот анжуманларида ўзбек тилининг ўрни ва аҳамияти ортиб бораётганини кузатиш мумкин.

Мамлакатимизнинг барча жойларида бўлғанидек, Фарғона вилоятида ҳам "Давлат тили ҳақида"ги қонуннинг ижросини таъминлаш, ўзбек тилининг бой имкониятларини тадқиқ этиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Биргина Фарғона давлат университетида ўтган йилларда ўзбек тили йўналишида эллидан зиёд докторлик ва номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинди. Мазкур университет ва Қўқон давлат педагогика институтида ўзбек тили бўйича илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш фаолият кўрсатиб келмоқда.

Маҳалла ва кўчаларни, хиёбону майдонларни безаб турган ўзбекча номлар,

шиор ва ёзувларни кўриб, қалбимиз фахр-ифтихорга, ғурурга тӯлади. Мустақиллик, Обод турмуш, Рапқон, Зоҳидон... Бундай номланишларни кўп келтириш мумкин. Бугун бу сўзлар ҳар кунги ҳаётимизда бир неча маротаба такрорланмоқда. Жаҳон ареналарида мадхиямизнинг ўзбек тилида жаранглаши қалбимизни чексиз ғурур-ифтихорга тўлдирмоқда. Кеча ким эдигу, бугун ким бўлғанлигимизни ёдимизга солиб турибди.

Ўзбекистонимиз якка-ю ягоналигини, шу юрт, шу она замин биз учун, келажак авлод учун аталганлигини ҳис қилиб турибмиз. Мана шу улуғ тўйғу ҳар биримизнинг дилимизга жо бўлмоқда. Янги Узбекистоннинг тараққиётида она тили ҳам мухим ўрин эгаллаб, бугун янада мавқеи ошиб бормоқда.

**Соҳибжамол ТОНГАТАРОВА,  
Фарғона вилояти ҳокими маслаҳатчиси.**

Гўдак дунёга келиши билан ўзига хос ингрокли товуш чиқариб ийғлайди. У ўзигагина аён тилда нималарнидир тушунтироқчи бўлади. Кун сайн үлғая бошлагач, аввал товушлар, кейин сўз ва гап орқали фикрини бошқаларга тушунтиради.

Қизиги шундаки, ҳар бир инсоннинг тили онаси унга сўзлаётган ва алла айтган тилда чиқади. Миллат қандай бўлишидан қатъи назар, албатта. Бежизга бешикданоқ қон-конимизга синган тилни "она тили" дея эътироф этмаймиз.

Онага менгзалган тил шуниси билан қадрлики, она ўз фарзандини меҳр билан авайлаб-асраганидек, тил ҳам миллатидан ана шу каби эъзозни талаб этади.

Машҳур авар шоири Расул Ҳамзатовнинг "Менинг Догистоним" асарида шундай қайдлар учрайди: муаллиф Парижда догоистонлик рассомни учратиб қолади. Рассом инқиlobдан кейин Италияга кетган, ўша жойда уйланган ва ўртига қайтмаган. Ёзувчи Париждан қайтгандан сўнг, Догистондан рассомнинг яқинларини излаб топади. Шоядки, рассомнинг онаси билан сұхбатлашишга мусассар бўлади. Она "Ўглим билан аварчада гаплашдиларингми?" дея сўрайди. Муаллиф рассом билан таржимон орқали гаплашишгани, у русча, рассом французча гапирганини айтгач, она ўзига қора пардасини туширади. Одатда, авар миллатига мансуб оналар ўз ўғлининг ўлганини эшитганда шундай қилишади.



## ОНАМ ЎРГАТГАН ТИЛ

– Расул, сен янгилишибсан, менинг ўғлим аллақачон ўлган экан. Агар ҳаёт бўлганда, авар онаси ўргатган тилни унутмаган бўларди, – дея надомат чекади она.

Дарвоқе, бугунги кунда бир нечта тилни билган ва шу тилда бемалол сўзлаша олаётган инсонга "маданиятли" дея таъриф берамиз. Аммо зарурат бўлмаса-да, она тилида эмас, рус ёки инглиз тилида сўзлаётган инсонни маданиятли деб ҳисоблаб бўлмайди. Тўғри, бугунги глобаллашув даврида чет тилларга

тилини бирмунча қадрсизланишига олиб келади.

Инсониятга Яратган томонидан ҳадя этилган энг муқаддас хилқат – ўз она тилидир. Баъзан ойинай жаҳон орқали ўзбек миллатига мансуб бўлса-да, машҳур инсонларнинг рус тилида гапириши ёки ўзбек тилини бузуб талаффуз қилишини кўриб, ачиниб кетасан киши. Она тилига бўлган ҳурмат шу бўлса, улардан бошқа нимани кутиш мумкин?

Хозирда йўқолиб бораётган

тилларни тадқиқ қилиш борасидаги изланишларим натижасига кўра, тилнинг йўқолиши, ўз навбатида, миллатнинг ҳам йўқолиб кетишига замин яратар экан. Инсон ҳар нарсадан воз кечиши мумкин, молидан, ҳатто жонидан ҳам. Лекин она ва оқ сут билан қалбга муҳрланган тилдан воз кечиши мумкин эмас. Тилини унутганнинг эса манқуртдан фарқи йўқдир.

Дунёда ўзининг тилига эга бўлмаган бир қанча миллат ва элатлар мавжудлигини ҳисобга оладиган бўлсақ, шукурки, ўзбекнинг ҳар боласи ўз туйғуларини, фикрларини она тилида қандай хоҳласа шундай ифодалай олади. Бунинг учун бошқа тилнинг ёрдами керак эмас.

Она тил – ўзбек тилимиз худди жафокаш ҳалқимиз каби не-не машақатли кунларни, зуғумларни бошдан кечирган. Унинг соғлигиги сақлаш йўлида қанчадан-қанча маърифатпарвар адиларимиз мардонавор кураш олиб борган. Тарих силсиласидан соғ-омон ўтган тилимиз бугун ҳам биримизнинг ҳимоямизга, асрар-авайлашимизга муҳтоҷ.

Тилимизга нисбатан дахлдорлик туйғуси билан яшашга уринар эканмиз, шу ўринда таъкидлаш ўринлики, она тилида фикрламайдиган ҳар қандай инсон миллатининг руҳини тушунмайди, аёники, ундейларга миллатининг дарди ҳам бегона.

**Муаттар МАҲМУДОВА.**

Долзарб мавзууда

(Бошланиши 1-бетда)

– Ўтган йили узум жуда арzon эди, 15-20 минг сўмдан ошмаган, ҳатто 3-5 минг сўмдан сотган кунларимиз ҳам бўлганди, – дейди сотовучи Турсунали ота Эрматов. – Унинг қўмматлиги кам етиширилганида. Узум жуда харидоргр мева, аҳоли эҳтиёжи юкори, шунга қараб бозорга кўпроқ олиб келишга ҳаракат қиляпмиз.

– “Келин бармоқ”нинг 1 килограмми 30 минг сўмдан, – дейди сотовучи Малика Тошматова. – “Мерседес”нинг қизилини 55 минг сўмдан сотяпмиз. Бу йил узумнинг ҳосили камлиги сабабли ўтган йилдагидан анчагина қўммат. Бозор талаби шу, қайси маҳсулот оз бўлса, нархи юкори бўлади.

– Эрта тонгда, иссиқинча ноннин узум билан тановул қилишни хуш кўраман, – дейди харидор Шарифа опа Абдулаева. – Аксига олиб бу йилги узумларнинг қўмматлигини қаранг. Лекин бизнинг юртимизда етиширилаётган узумлар тилни ёради, сифати ҳам яхши.

Вилоятимизда узумнинг 10 дан зиёд навлари етиширилади. “Каттакўрғон”, “хусайні”, “келин бармоқ”, “мерседес”, “тойфи” сингари узумлар саратондан то кўкламга қадар ҳалқимиз дастурхонини безатади. Узумчилик миришкорларнинг олдига тушадигани йўқ, албатта. Улар йил бўйи нафакат вилоятимиз, балки бутун республикамизга, шунингдек, хориж мамлакатларига ҳам узум етказиб берадилар. Бироқ бу йил Олтиариқда ҳам узумнинг нархи анча баланд. Сабабларидан бири қиши фаслида ҳаво ҳароратининг кескин тушиб кетгани ток кўчкатларининг совук үришига олиб келди. Натижада узум



кутилган ҳосилни бермади.

– 11 гектар майдонда узумнинг ўнга яқин турини етиширамиз. Ўтган йилдагига қараганда бу йил ҳосил чўғи анча кам бўлди, – дейди Олтиариқ туманинаги “Nirt fruit” фермер хўжалиги раҳбари Нуриддин Алиқулов. – Узумни йиғишириб, музлаткичли омборларга жойлаш билан бирга, килограммини 10 мингдан 30 минг сўмгача сотдик. Ток кўчкатлари парваришида об-ҳаво катта ўрин тутади. Баъзида куз ойлари кутилганидан кўра иссиқ бўлади ёки совук эрта келиши мумкин. Узум сентябрь ойида, куз иссиқ келганда эса ноябрь ойида узилган ҳолатлар ҳам бўлган. Бу йил январь ойида кечган қаҳратон совук эса ток кўчкатларига ўз таъсирини ўтказмай қўймади, албатта. Натижада

да узум экспортига талаб ортиб, нархларнинг кескин ошишига олиб келди.

Узум вилоятимиз бўйлаб аҳоли томорқаларида ҳам парваришланади. Бироқ, ҳақиқатан ҳам, аёзли кунлар ҳовли жойлардаги узумтокларида ўз асоратини қолдирди. Бор ҳосилни ҳам тадбиркорлар йиғишириб олиб, қўшни вилоятларга ёки ёндош давлатларга экспорт килемоқдалар.

Бу йил ҳам Олтиариқда узум яхши ҳосил берди, – дейди туманинг Повулғон қишлоғида яшовчи миришкор дехқон Воҳид Болтабоев. – Фақат аномал совук тифайли Тоҷикистоннинг тоғли ҳудудларига яқин жойларда узумни совук уриб кетди. Олтиариқ узумларига совук таъсири қилимади. Башқа вилоятларда узум яхши ҳосил бермагани

туфайли нарх анчагина ошган.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, ўтган йилги аномал совук тифайли қўшни Тоҷикистон, Қирғизистон, Қозоғистондаги узумларнинг сара навлари нобуд бўлган.

– Қўшни давлат узумларини совук ургани учун Ўзбекистонда узум экспортига талаб ошиб кетди, – дейди Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирилиги Богдорчилик ва узумчилик бўлими бошлиғи Акмал Мирзаев. – Экспортга талаб ошигани ҳисобига нархлар бироз қўмматлашди. Асосан “ризамат”, “мерседес” каби экспортбоп узум навларини совук олиб кетган. “Тойфи”, “хусайні” навларига совук уччалик таъсири қилимади.

Совук кўпроқ аҳоли томорқаларида тупроқка кўмил-

маган узумзорларга зарар етказган. Совуқдан сақлаб қолинган узумзорларимизда яхши ҳосил олиш учун агротехник тадбирларни бажарганимиз. Лекин барбири бозорларимизда аҳоли хонадонларидан келтирилган узумлар камлиги сезиляпти.

**Хорижга узум экспорт қилиш бўйича энг кўп тадбиркорлар**  
**Фарғона вилоятида экани сир эмас. Биргина**  
**Олтиариқ туманининг ўзида 51 та субъект**  
**хорижга мева-сабзвот сотиши билан шуғулланади. Музлаткичли**  
**омборхоналар қуриш борасида ҳам туман анча олдинлаб кетган.**  
**Бугунги кунда бу ерда турли сифидаги 100 дан ортиқ музлаткичли омборхоналар мавжуд.**  
**Йиғиб-териб келтирилган турли хил мева ва бошқа маҳсулотлар бу жойларда меъёрдаги даражада совутиб, сақлаб турилади.**

Инсон саломатлигига муҳим ўрин тутувни, дармондориларга бой бўлган узумга ёзин-қишин эҳтиёж сезилади. Тўй-тантаналаримиз, маърака-маросимларимизда ҳам узум дастурхоннинг кўрки. Шундай экан, ҳар фужуми тош босадиган узум ҳосилидан ва унинг нархидан аҳолининг кўнгли ҳам, эҳтиёжи ҳам қонмоғи зарур.

**Махиёра БОЙБОЕВА.**

Ҳуқуқий сабоқ

## КАФИЛ ЭНДИ НИМА ҚИЛСИН?!

– Синфдош дугонам кредитга ўй олаётганда кафил бўлишини сўради, йўқ дея олмадим. У кредит тўловида муаммо бўлмаслигини айтганди. Орадан иккى йил ўтгач, дугонам туғуруқ таътилига чиқди ва кредит тўловида муаммо пайдо бўлди. Уч ойдирки, банк тўловни менинг ҳисобимдан ечиб оляпти. Бу ҳолат оиласидан турли тушунмовчиликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда. Кафил бўлган шахснинг пластик карточкасидан тўлов учун маблағ ечиб олиш қонунчиликка тўғри келадими?


Шоира Раҳматова,  
Фарғона шаҳри.

Бугун кредит сиёсати ривожланган жараёнда бундай масалалар кўпчилик кафилларнинг бошини қотирган. Айниқса, шу каби ҳолатлар опа-сингиллар, aka-укалар, яқин қариндошлар ўтасида рўй берганда кутилмаган нохуш вазиятларга ҳам олиб келаётганини қуриш мумкин. “Кафиллик шартномаси” деган тушунча қонунчиликда азалдан мавжуд бўлса-да, унинг асл моҳияти кейинги йилларда кенгроқ намоён бўла бошлади. Кафиллик шартномасига асосан кафил бошқа шахснинг кредитори олдида муайян даражада жавоб беришни ўз зиммасига олади демакдир.

Банкдан кредит олган шахс ка-

филлик билан таъминланган мажбуриятини тўлиқ ёки лозим даражада бажармаган тақдирда, кафил ва қарздор кредитор олдида солидар тартибда жавоб беради (башарти қонунда ёки кафиллик шартномасида кафилнинг субсидиар жавобгар бўлиши назарда тутилган бўлмаса). Бунда кафил кредитор олдида қарздор билан баравар ҳажмда жавоб бериб, фоизлар, қарзни ундириб олиш бўйича суд чиқимлари ва қарздор мажбуриятини бажармагани ёки лозим даражада бажармагани туфайли кредитор кўрган бошқа зарарларни тўлайди.

Кафил кредиторнинг талабига қарши қарздор билдириши мумкин



бўлган ҳамма эътиrozларни қўйишга ҳақли. Ҳатто қарздор ўз эътиrozларидан воз кечган ёки ўз мажбуриятини тан олган тақдирда ҳам кафил ошиб бормоқда. Бу жараёнда баъзи жисмоний шахсларнинг қонун талабларини билмаслиги фирибгарлик жиноятининг содир этилиши ҳамда турли низоларга сабаб бўлмоқда. Шу боис, кафил бўлишда қонунчиликда белгиланган тартиб-қоидаларни синчиклаб ўрганиш ва уларга қатъий равишда риоя этиш зарур.

**Д.АКРАМОВА,**  
**Фарғона вилоят судининг**  
**иқтисодий ишлар бўйича судлов**  
**ҳайъати судъяси.**

**“Бир белбог – бир йўлни қуриш, инсониятнинг ягона тақдиди ҳамжасиятини барпо этиши: Ўзбекистондан назар” танловига**

# МЎЖИЗАЛАР ОСМОНДАН ТУШМАЙДИ

**Ёхуд Хитой тараққиётининг сирлари ҳақида**

(Бошланиши 1-бетда).

Эрамиздан олдинок, гарчи ҳудудлар ўртасида турли низолар кечётган бўлса-да, ушбу заминда ипакнинг ихтиро қилиниши Буюк ипак йўлига асос согланди. Буюк Хитой деворининг қурилиши эса ўша давр архитектураси-дагина янгилик бўлиб қолмади. Бу иншоот ҳалқ заковатининг, ҳамкорлиги ва меҳнаткашлигининг чинакам тимсолига айланди. Зеро, тасаввурингиз аниқ бўлиши учун айтиш мумкини, бизда Катта Фарғона канали ва Каттақўрон сув омбори қурилишида ҳам худди шундай жараён кечган.

Бронза даврида ёқ хитой-ликлар еrostи маъданларини қазиб олишини ўзлаштиришган. Тибет табобати асрлар давомида шаклланган. Бир сұхбатимизда Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон ҳалқ шоюри Абдулла Орипов “Ука, Хитой табобатининг құдрати шундаки, у одамни касал бўлишга кўймайди” деганида минг карга ҳақ эди.

Тараққиётда, ҳатто мўжизаларда ҳам тасодифлар бўлмайди. Ҳалқнинг иродаси, заковати ҳам йиллар давомида шаклла-нади ва биз бу ўлқада ана шу цивилизациянинг натижасини кўриб турибиз. Пайғамбаримиз Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам “Илмни Чинда бўлса ҳам ўрганинглар”, деб бежиз айтмаган. Бу ҳақда кўплаб ҳадисшуносар ривоят қилинганлар.

Камина ҳар гал борганимда, аввало, хитойликларнинг ҳа-ракат ҳамда муносабатларини синчилкаб кузатаман, бу элнинг ютуқлари сирини ўзларидан сўраб билишга ҳаракат қи-ламан. Биринчи англаганим, уларнинг қонунга итоаткорлиги бўлди. Мумкин бўлмаган ишни қилишмайди, ҳеч ким кўрмади-ку, деб фикрламайди, йўл-нинг ҳам тақиқланган қисмидан ўтмайди. Айниқса, мактаб ва бошқа ўқув юртларида кириш учун кўнғироқ қалингач, коридорда ҳеч кимни кўрмаймиз. Кутубхоналарида жимлик ва имо-ишораларга ҳавасим келди. Бунинг устига ҳар бирида камида иккитадан замонавий телефон бўлишига қарамасдан сал имкон топса, йўлда ҳам, ўтирганда ҳам газета ёки журнал варақлайди.

Жанубий Хитой вилоятида бир медиа ташкилоти 20 та босма нашрга – газета ва журнallаларга эга экан. Социалистик тузумда капиталистик ишлаб чиқариш муносабатларини жорий этган ва бу борада қойилмақом натижага эришадиган давлат учун бу ҳам оддий ҳол экан.

Кийинишлари оддий, танаасига

кулай, дидига муносиб либос кийишиди, куз, қиши ва баҳорда иссиқ кийимда юришиди. Мехмонларнинг бирорта саволи жавобсиз қолмайди, дўйонларга, меҳмонхонага кирганингизда доимо хушумомала бўлишади.

Бир гал меҳмонхона эшиги ташкарисида аскардай турган йигитга салом бердим, у бир қаради-ю, индамади. Ўзимча ахволини сўрадим, яна индамади. Гид бу ҳолатни тушунтириди: бу йигит фақат юк билан келдиган меҳмонларга хизмат кўрсатар, бошқалар билан муомалага киришса, ишдан ҳайдалар экан.

Мактабда кимё фани ўқитувчиси билан сұхбатлашдим, 27 ёшда экан, университетни битирган, беш йилдан бери дарс бераркан.

– Оиласимисиз? – сўрадим ундан.

– Ҳа, хотиним троллейбус ҳайдайди.

– Фарзандларингиз борми?

– Биз ҳали бола парваришига тайёр эмасмиз.

– Ўйингиз бордир?

Маълум бўлишича, эр-хотин ижарада туришаркан, у хусусий ўй ортиқа ташвиш ва ҳаражат эканини айтди. Буни кундак жадвалидан ҳам билса бўларкан. Эрталаб соат 6:30дан 7:30гача хотини билан спорт боғида жисмоний тарбия билан шуғулланади. Ювиниш ва эрталабки нонуштага 40 дақиқа кетади. Соат 8:30да ишда бўлишади. Ишдан кейин бир соат сайрга ажратилган. Кейин бир соат кунора кутубхонада ёки спорт залида бўлишади. Кечкурун биргалиқда кино, театр ёки концертга, ҳафтада бир маротаба ресторанга боришади. Уйга асосан ухлаш, дам олиш учун келишиади.

Умуман, Хитойда кўплаб зиёли ва давлат хизматчиларида ўй йўқ экан. Имтиёзли ўй бериши ҳам йўлга кўйилмаган, кўп қатори кредиттга ўй олиш мумкин. Агар оламан, деса, ўй топилади.

Мени хитойликларнинг ўз соғликларига муносабати қизиқтириди. Эрталаб улар сафиди спорт боғларига бордим. Бое деганимиз дарахт билан қопланган яшиллик орасида ўрнатилган тренажёрлардир. Бир гектарлик бундай жойлар жуда кўп, атрофида биздагига ўхшаб шашлик ёки сомса пиширилмайди, музқаймоқ сотилмайди. Бу ерда эрталабдан соат саккизларга қадар ҳаммани кўрасиз: ёшу қари, эркагу аёл, ҳатто хижобдагилар ҳам бир чеккада шуғулланишади. Шу сабабли Пекиндай катта ва аҳолиси кўп пойтахтда ҳам дорихона жуда кам. Бори ҳам табиий дориворлар сотади.

Поликлиника мавқеидаги шифохоналарда барча турдаги ва тоифадаги врачлар бор. Улар беморни кўриш жараёнида биргалиқда ёки онлайн орқали маслаҳатлашадилар. Рецептда шифокорнинг имзоси бўлмаса, дорихона дори бермайди. Дарвоке, кучлироқ дорилар учун малакаси юқори врачларгина имзо чекадилар. Мабодо олдиндан ичиб юрган доридан яна олмоқчи бўлсангиз ҳам, унга врач руҳсати керак.

Хитой бугун дунёга чинакам мўжиза кўрсатмоқда. Ҳаётнинг кўплаб соҳаларида деярли ҳар куни бу ерда бир ихтиро, янгилик яратилмоқда. Ҳусусан, мамлакатимиз билан ўзаро ҳамкорлик ривожланган сари биз бу муваффақият сирларини равшанроқ билиб боряпмиз.

**Бүгун юртимиздаги кўплаб ҳудудлар Хитой провинциялари ва шаҳарлари билан яқин ҳамкорлик қилимоқда.**

Ҳусусан, Самарқанд вилояти Чин ўлқасининг Шэнси, Шандун, Цзянсу провинциялари билан бирордлашган ҳолда, тадбиркорлик ривожлантириш, аҳолини камбағаллиқдан чиқаришда мазкур ҳудудлар тажрибасини ўзимизда жорий этмоқда. Мисол учун, Нарпай ва Пахтачи туманларида Шандун провинцияси, Қўшработ ва Пайариқ туманларида эса Шэнси провинцияси тажрибасини кўллаган ҳолда, аҳолини камбағаллиқдан чиқариш ва тадбиркорликка ўргатиш йўлга кўйилмоқда. Цзянсу провинцияси тадбиркорларига эса Каттақўрон туманида фаолият олиб боришлари учун зарур шарт-шароит яратиб берилмоқда.

Ушбу провинциялар раҳбаријити ва тадбиркорлари шу йилнинг сентябрь ойида Самарқандда бўлиб, ўз тақдимотларини ўтказди. Ҳокимлар, ишбилирлар билан манфаатли келишувларга эришди. Орадан кўп ўтмай, Самарқанд вилояти делегацияси ҳам Хитойга бориб, мазкур провинцияларда ўз тақдимотларини ўтказди. Кўплаб истиқболли келишувлар имзоланди, ирик инвестицийий лойиҳаларни биргалиқда амалга оширишади қарор қилинди.

**Шунингдек, туризм, қишлоқ ҳужжалик маҳсулотлари етишириши ва уларни қайта ишлаш, металлургия, машинасозлик, кимё саноати йўналишларида ҳамкорлик кўлмаланганда кенгайиб бормоқда.** Бүгунги кунда Самарқанд вилоятида Хитой тадбиркорлари иштирикадаги 75 та корхона мавжуд бўлиб, улардан 18 таси тўлиқ Хитой сармояси иштирикада ташкил этилган.

**Фармон ТОШЕВ,**  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист,  
Олий Мажлис Сенати аъзоси



имкон яратиларкан.

Мен сезган яна бир ибратли ҳолат, бу – мамлакат ҳалқининг ўз тарихига, ватанига садоқатидир. Хитойга қилган ижодий сафаримиз чоғида таниқли журналист, устоз Сафар Остонов “Ука, кўрдингизми, хитойликлар ўзларидаги музей ва тарихий обидаларни ҳавас билан томоша қилишаркан, бола-чақасини ҳам олиб келишаркан. Мана шударажага биз ҳам эришишимиз лозим”, деган эди.

Шу ўринда айтишим керакки, мамлакатдаги барча йирик ташкилот ва корхоналарнинг ўз музейлари бор. Улар нафақат таниширувчи, балки тарбиботчи вазифасини ҳам бажаришади. Буни ҳатто “Xinhua” ахборот агентлиги, “Хуай бай” компанисида ҳам кўрдик.

**Фақат бугина эмас, Хитой нафақат дунёни лол қолдиряпти, балки дунёдаги энгилгор интеллектуал кучдан унумли фойдаланяпти.** Буни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, хитойшунос ҳам-касимбий Мұхаммаджон Обидов ўзининг “Буюк ипак Йўлидаги Шинжон” китобида жуда асосли ёритиб берган. Унда ёзишича, Хитойнинг муваффақияти, аввали, мавжуд ижтимоий, иқтисодий ва ҳукуқий тизимлар ҳамда чет эллик интеллектуал мулк эгалари ва сармоядорлар учун имкониятни яхшилашади. Бинобарин, Тан сулоласи бошқаруви даврида ҳам давлатни ривожлантиришга кўплаб иқтидорли хорижликлар жалб этилган.

Бу анъана ҳозирги кунда ҳам давом этмоқда. “China daily”нинг ахборотига кўра, 2006-2016 йиллар давомида Хитой ҳар йили 300 минг нафар чет эллик мутахассисларни қабул қилган. Улар мамлакат ривожига муносиб ҳисса кўшиб, хурмат қозонган. Ўз навбатида, давлат ҳам бундай заковат эгалари “Дўстлик” ордени таъсис этган. Хорижлик талабаларнинг Хитойда таълим ва олимпик даражасини олиши учун шароит яратилган.

Мамлакат таълим вазирлигининг маълумотига кўра, 2016 йилда Хитойда таълим олаётган ёшлар 390 минг нафарни ташкил этган. Уларга Хитой ҳукумати стипендияси ҳам берилади. 2011 йилдан бери эса “Хорижий эксперторлари жалб қилиш” дастури ишламоқда.

Фикримнинг исботи учун бир мисол келтирмоқчиман. Биз “Хуай бай” компаниясига борганимизда унинг учта бошқарувчи борлигини билди. Бирин – араб, бири – инглиз, яна бири хитой миллатига мансуб. Улар ярим йил муддатда навбати билан раҳбарлик қилишади. Компания мутахассисларни орасида ҳам хорижлик мутахассислар анчагина экан.

Жараён:

Фарфона тумани маркази – Водилга кириб борар экансиз, олисларда баланд тоғлар виқори инсонни ҳайратта солади. Бу ердаги ўзгаришлар, қурилиш ва бунёдкорлик ишларидан кўз қувнайди. Умуман, бугунги кунда туман чин маънода катта ўзгаришларга юз тутмоқда. Қай маҳаллада бўлманг, аҳоли юз-кўзида кўтарикинг кайфият ва шукроналикни туясиз.



Жорий йилда туманда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини яхшилаш доирасида давлат бюджетидан ажратилган 178 миллиард 426 миллион сўм маблағ эвазига қурилиш ва таъмирлаш ишлари якунинг етай деб қолди. Амалий ишлар натижасида тумандаги 64 та маҳалла фуқаролар йиғинларида электр таъминотини яхшилаш мақсадида 35 км узунлиқда электр тармоғи тортилди, 30 та трансформатор ва 1478 та темир-бетон таянчлар ўрнатилди. Хусусан, “Барқарор ҳамжиҳатлик” ва “Мехнатобод” маҳалла фуқаролар йиғинлари худудида 6,6 км узунлиқдаги электр узатиш тармоғи тортилди, 192 та темир-бетон таянчлар ва кўшимча 6 та трансформатор ўрнатилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 октябрдаги “2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича кўшимча чора-тад-бирлар тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида 8 та маҳалла фуқаролар йиғинларида электр

таъминотини яхшилаш мақсадида тузилган дастурiga асосан, 14,2 км масофага электр узатиш тармоғи тортилди, 5 та трансформатор пункти, 323 та таянчлар ўрнатилди. Сўнгги пайтлардаги бунёдкорлик ишлари на-тижасида қишлоқлардаги ички йўллар ҳам тартибга келтирилмоқда. 70 км ички йўлларни асфальтлаш, бетонлаш ишлари якунинг етказилди ва 20 миллиард 265 миллион сўмлик жорий таъмирлаш ишлари амалга оширилди. “Бирдамлик” маҳалла фуқаролар йиғини худудида қиймати 191 миллион 414 минг сўм бўлган кўприк қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бу билан аҳолига бирмунча қулийлик яратилди, автомобиллар тиrbандлигининг олди олинди.

Тоза ичимлик суви катта-ю кичикка бирдай зарур неъмат. Туман бўйича 94 км ичимлик суви тармоқла-ри тортилган бўлса, 20 та тик күдуқ қазиш ишлари бажарилди. 5,7 км оқава сув тармоқлари тортилди,

15 та сув минораси ва 16 та трансформатор ўрнатилди. Натижада 5886 та хонадон тоза ичимлик суви билан таъминланди.

Аҳолини уй-жой билан таъминлаш масаласи доимий эътиборда. Ўтган йилда 8 та кўп қаватли турар жой қурилиб, талабгор фуқароларга топширилган

яқин аҳоли истиқомат қила-диган худудда ва ижтимоий обьектларда электр энергияси, табиий газ, оқава ва тоза ичимлик суви, марказлашган иссиқлик тизими каби коммунал хизматлар билан боғлиқ масалалар ижобий ҳал этилди.



бўлса, бу йил уйлар сони 24 тага етди. Жумладан, “Саноат” ва “Миндонобод” маҳалла фуқаролар йиғинларида 20 та 5 қаватли, 600 хонадондан иборат уйлар қурилиб, фойдаланишга топширилди. Ҳозирда турар жойлар атрофлари ободонлаштирилиб, яшил худудлар яратилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 9 декабрдаги фармонига асосан, “Янги аср” маҳалла фуқаролар йиғини худудида барпо этилаётган “Янги Ўзбекистон” массивида ҳам қурилиш ишлари авжиди. Лойиҳага кўра, мавзеда 33 та кўп қаватли, 1428 хонадонли турар жойлар қурилиши режалаштирилган. Бугунга қадар бу ерда 3 та 7 қаватли, 126 хонадонга мўлжалланган уйлар қуриб битказилди. 5800 нафарга

мавзеда 990 ўринли мактаб, 2 та ҳар бири 120 ўринли мактабгача таълим ташкилотлари бино-лари қурилиши якунланди. Маҳалла фуқаролар йиғини идораси, маданият уйи, савдо шоҳобчалари, тибиёт масканлари, спорт комплекси, сайилгоҳ каби ижтимоий обьектларда бунёдкорлик давом этяпти.

Худудда иссиқлик тизими бўйича лойиҳа қиймати 8 547,1 миллион сўм бўлган 1 та қозонхона ва 6,1 км иссиқлик тармоғини тортиш белгиланган бўлиб, бош пурратчи “Discover invest” масъулияти чекланган жамияти томонидан мазкур қозонхона биноси қурилди, 1 та 1500 кВт, 2 та 1750 кВт.ли қозон ўрнатилди, ҳозирда электр жиҳозларини монтаж қилиш ишлари олиб борилмоқда. Шунингдек, 94 км ичимлик суви ва 24,2 км оқа-



ва сув тармоғи тортилди, 2,8 млрд. сўм эвазига худудда 5,5 км электр тармоғи ва 8 та трансформатор ўрнатиш назарда тутилган.

Бундан ташқари, “Яшил макон” дастури доирасида 714 туп манзарали дарахт кўчатлари ўтказилган 4 гектарлик “Янги Ўзбекистон” боғи ҳам келажакда худуд аҳолиси ва меҳмонлари учун маданий ҳордик масканига айланади.

Жорий йилда ўтказилган “Ташаббусли бюджет” жараёнининг 1-босқичида фуқаролардан келиб тушган 14 та таклиф учун 15,9 млрд. сўм маблағ ажратилди. Хусусан, 14-умумтаълим мактабини жорий таъмирлаш ишлари тўлақонли бажарилган бўлса, “Дўстлик” маҳалла фуқаролар йиғини худудида жойлашган 33-мактабгача таълим ташкилотига ёнгил типдаги 90 ўринли кўшимча бино қуриш ишлари якунланиш арафасида.

Шунингдек, 2-касб-хунар мактабида бунёд этилаётган автомобилсозлик, электромонтёр ва пайвандловчи касбларини ўргатиш учун металл конструкцияли ўкув устахона ҳам яқин кунларда фойдаланишга топширилади.

Лойиҳалар доирасида “Юқори Водил” маҳалла фуқаролар йиғини худудида аҳоли хонадонларига 6,3 км ичимлик сув тармоғи тортилди, 1 та сув минораси ўрнатилиб, сув қудуғи қазиш ишлари бажарилди.

**Дарҳақиқат, республика мактабининг барча худудлари бўйлаб кенг қулоч ёзган бунёдкорлик ишлари Фарфона тумани маҳаллаларида ҳам ўз аксими топмоқда. Зотан, ҳалқимиз, қишлоқ жойларда яшовчи аҳолининг муносиб турмуш кечиришини таъминлаш йўлидаги ислоҳотлардан кўзланган пировард мақсад, энг аввали, инсон омили билан чамбарчас боғлиқ. Шу жиҳатдан, эзгу ишларнинг барчаси аҳоли манзилларининг янада обод ва кўркам қиёфа касб этиши йўлидаги улкан амалий қадамдир.**

**Муродхон ҚОДИРХОНОВ,** туман ҳокимининг саноатни ривожлантириш, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари бўйича ўринбосари.

2023 йил — Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили

# ЯНГИЛАНАЁТГАН ШОМИРЗАДА

**бугун хонадонлар, кўчалар, бутун маҳалла бўйлаб кенг кўламдаги ободонлаштириш, бунёдкорлик ишлари амалга оширилиб, кўмакка муҳтожлар ижтимоий қўллаб-қувватланмоқда**

**Нима учун айнан Шомирзада?** Очиқ айтиш керак, беш мингдан ортиқ аҳоли яшайдиган маҳалла аҳли узоқ йиллардан бўён муаммолар гирдобида қолганди. Аҳоли учун ичимлик суви келтириш, электр узаткичларни янгилаш, кўчаларни асфальтлаш, мактаб, мактабгача таълим ташкилотларини таъмирлаш, энг асосийси — аҳолининг томорқаларидан унумли фойдаланиши учун сув таъминотини йўлга қўйиш, хуллас, муаммоларнинг кўлами кенг ва уларни бартараф этиш жуда катта маблағ, ҳарарат ва сафарбарликни талаб этарди.

Мурожаатлар асосида вазиятни чукур таҳхил этган Президент Администрацияси ҳудудда "Обод хонадон", "Обод кўча", "Обод маҳалла" мезонлари асосида бунёдкорлик ишларини амалга ошириш ва молиялаштириш манбаларини белгилаш юзасидан маҳаллада хатлов ўтказиш, аниқланган муаммоларни бартараф этиш, аҳоли турмуш даражасини кўтариш, уларнинг ҳаётдан рози бўлиб яшашлари учун тегишли чора-тадбирларни белгилаш вазифасини дахлдор идораларга топширганди. Тез ўтмай амалий ишлар авж олди.

Вилоят ҳокими секторига қарашли туманинг "Шомирза" маҳалла фуқаролар йигинида олиб борилаётган ишларни кузатиб, ҳудуд чиндан ҳам бунёдкорлик майдонига айланганлигига гувоҳ бўлдик.

— Бугун кўрсатилаётган эътибордан шомирзаликларнинг кўнгиллари тоғдек юксалган, — дейди маҳалла фуқаролар йигини раиси Раҳматилло Отакулов.  
— Дастрлаб 904 та хонадон, мавжуд 12 та кўча, ташкилот ва муассасалarda ўтказилган хатловга биноан "Обод хонадон", "Обод кўча", "Обод маҳалла" мезонларини жорий этиш бўйича амалга оширадиган бунёдкорлик ишларининг чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди. Чукур таҳхиллардан сўнг муаммолар, уларни бартараф этиш, сарфланадиган маблағлар, молиялаштириш манбаси, ижро муддати, масъуллар аниқ-тиник белгилаб олинди.

Шундай қилиб, ҳудудда республика

оила — тадбиркор" дастури доирасида 2 миллиард 432 миллион, жами 26 миллиард 728 миллион 700 минг сўмлик ҳажмда қурилиш, таъмирлаш, ободонлаштириш ишлари амалга оширилиши режалаштирилди. Шунингдек, аҳолининг эҳтиёжманд қатламига дехқончилик қилиш учун ер майдони, асбоб-ускуналар учун субсидиядар ажратиш, бандлигини



таъминлаш, моддий ёрдам бериш учун тегишли маблағлар молиялаштирилди.

Ўтган қисқа даврда "Обод хонадон" мезони асосида муаммоси аниқланган

киляпмиз. Ахир яшаётган хонадонимиз обод бўлса, кўнглимиз ҳам равшан, турмуш ўртогим раҳматлининг руҳлари ҳам шод бўлади-да.

Маҳаллада бўлган одам ҳар бир хонадонда, кўчада ободонлаштириш, қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилаётганинг гувоҳи бўлади. 725 та хонадон аҳли томорқадан унумли фойдаланиши учун иккита оқин сув қудуғи қуришга киришилганидан бениҳоя миннатдор.

Аҳоли, айниқса, тоза ичимлик суви келтирилаётганидан хурсанд. Ҳозиргача 3,6 километр ҳажмда қазиш ишлари амалга оширилган бўлса, 3,4 километрда кувулар пайвандлаб бўлинди.

Маҳаллада 308 та темир-бетон таянчлар ўрнатиш режалаштирилган бўлса, уларнинг асосий қисми жойига қўйилди, тўқкиз километр масофага электр тармоғини тортиш ишлари давом этаётir. Ҳудуддаги 10 та трансформатор пунктлари таъмирдан чиқарилди. Ички йўлларни асфальтлаштириш, шағаллаштириш ишлари ҳам жадал олиб бориляпти. Йўлларнинг тўрт километрига асфальт ётқизилди ва бу ҳаракатлар тўхтагани йўқ. Режалаштирилганидан анча кўп – 4,3 километр масофадаги йўл шағаллаштирилди.

Маҳалла дарвозасини қуриш, фуқаролар йигини биносини таъмирлаш, олд қисмини замонавий қиёғага келтириш, қуёш панели ўрнатиш, Чинобод кўчасида болалар майдонасини қуриш ишлари тегишли мутасаддилар назорати остида бир маромада бормоқда.

Бегиланган чора-тадбирлар режасида

маҳалладаги ижтимоий обьектларда ҳам бунёдкорлик ишларини бажариш кўзда тутилган. Ҳусусан, 30 ва 39-мактабгача таълим ташкилотлари биноларини таъмирлаш, 23-умумтаълим мактаби

ўқувчилари учун спорт зали қуриш, чим устида хоккей турига қизиқувчи ёшлар учун спорт мактаби барпо этиш каби ишлар режалаштирилиб, молиялаштириш манбалари, муддатлари белгилаб

қўйилган.

Хулоса, хонадон, кўча, маҳалла миқёсидаги ободлик, аҳолини рози қилиш орқали уларнинг ижтимоий фаоллигини кўтариш, ёшларнинг маҳалласи, ютига садоқатини кучайтириш ҳаракати бу ерда фаолият кўрсаталётган штабнинг кунлик таҳлили остида қизғин давом этмоқда.

**Хадичахон КАРИМОВА,  
Қўштепа тумани.**



бюджетидан Инвестиция дастури доирасида 18 миллиард 570 миллион, республика ва вилоят маҳаллий бюджетининг қўшимча манбаси хисобидан 5 миллиард 390 миллион, "Аёллар дафтари", "Ёшлар дафтари", "Саховат ва кўмак" ва жамоатчилик жамғармалари хисобидан 336 миллион 700 минг, шунингдек, тармоқ корхонасининг маблағлари, "Ҳар бир

817 хонадоннинг 743 тасида қайтадан қуриш, ички, ташқи, том қисмини таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Айниқса, эҳтиёжманд оиласалар истиқомат қилаётган 29 та қўргонни мукаммал таъмирлаш ва реконструкция қилишда туман ташкилотлари кўрсаталётган беминнат ёрдамдан ҳамманинг кўнгли кўтарилимоқда.

— Ўзим ҳам қурувчи эдим, — дейди Матонат кўчасида истиқомат қиласидан Маъруфжон Фаниев. — Иш устида жароҳат олганман, юрагимга жарроҳлик йўли билан стенд кўйилган, оғир ишларга ярамай қолдим. Шунинг учун ҳам "Темир дафтар"га киритилганман. Қурилишини бошлаб, охирига етказа олмай қолган ўйим шу кунларда туман газлаштириш идораси ҳамда түғишган акам қилаётган ёрдам билан битказиляпти. Яқин кунларда кўчич ӯтамиш. Турмуш ўртогим иккимиз хонадонни обод қилиб ўтирасак, фарзандларимизни вақти-соати билан уйлаб-жойласак, деймиз. Кўрсатилаётган кўмакдан кўнгли миз кўтариляпти.

— Бошимизга тушган оғир фожиадан эсанкираб қолдик, — дейди Чинобод кўчасида истиқомат қиласидан Зироатхон Мадраҳимова. — "Тез тиббий ёрдам"да ишлайдиган турмуш ўртогим автоҳало-кат туфайли вафот этдилар. Уч фарзандим билан қолдик. Яхшиям бошимизда ҳукуматимиз бор. Мени шифохонага фаррош қилиб ишга жойладилар. Ўзим чевар эдим. Шу кунларда мана бу замонавий ва қулат тикув машинасини келтириб беришида. Ишдан қайтганимдан сўнг касаначилик қилиб, махси тикияпман. Шу машина билан ишим ўн бараварга енгиллашди ва унуми ортди. Даромадим ҳам шунга яраша бўляпти. Шу кунларда "Халқ банки" туман бўлими кўрсаталётган беминнат ёрдам туфайли хонадонимизга ошхона, ювиши хонаси, тандирхона қуриб бериляпти. Ўзимиз ҳам имконимиз борича ҳаракат

## Сиёсатшунос нигоҳи

(Бошланиши 1-бетда).

Бундан 76 йил олдин бошланган мозаро ортидан ҳозирги даврга қадар Яқин Шарқда тинчлик йўқ. Бир вақтлар эмин-эркин яшаган Фаластин ахолисининг ерлари бугун деярли тўлиқ эгалланган. Исройл 1967 йилги чегараларга қайтишини, Фаластин давлатига имкон беришни истамаяпти. Натижада, Яқин Шарқда, қолаверса, колектив ғарб ва мусулмон дунёси ўртасида ўзаро муносабатларга катта зарар етмоқда.

Фаластин – Исройл мажароси 76 йиллик тарихга эга. Исройл – ёш давлат, у 1947 йилда ташкил топган. Унга қадар, тахминан икки минг йил атрофида, мавжуд бўлмаган. Яхудийларнинг қадимги давлатлари йўқ бўлиб кетишига яхудийларнинг ички низолари ва ўша даврда янги дин ҳисобланган христианлик асосий сабаблар бўлган.

1945 йилда Гитлер Германияси ийқитилгач, дунё ҳамжамиятида яхудийларга нисбатан глобал ачиниш ҳисси жуда кучли бўлади. 1945 йилда янги ташкил қилинган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, ўзининг энг биринчи катта иши сифатида, яхудийлар учун Исройл давлатини ташкил қилишга киришади. БМТ қарорларига кўра, ўша даврдағи Фаластин ерларини иккига бўлиб, ерларнинг тахминан 55 фоизини яхудийларга бериш, қолган 45 фоизини фаластинларларга қолдиришга келишилган.

Лекин, Исройл давлати ўша берилган ерлар билан чекланиш нияти йўқлигини кўрсатади. Мақсад – Фаластин давлати ерларини тўлиқ ўзлаштириш, Фаластин деган давлатни йўқ қилиш эди. Бу лойихага араб ва мусулмон давлатлари қарши чиқишиади. Лекин Исройлнинг орқасида турган коллектив ғарб, аввало АҚШ, Англия ва Франция имкониятлари устун-



лик қиласди.

1970 йилларга қадар, Фаластин давлати ва унинг манфаатлари учун асосан араб давлатлари курашади. Сезиларни натижада бўлмагач, араб жамиятлари ва халқлари жуда тушкун ахволга келади. Ташаббусни, "араб кўчаси" – оддий одамлар, уларнинг уюшма ва ташкилотлари кўлга ола бошлайди. Айнан 1970 йиллар охиirlariga келиб, ёмғирдан кейинги кўзиқорин каби жангари гурухлар тузила бошлайди. Бу гурухлар, ҳар хил методлар орқали, жумладан, жангари усуслар билан ҳам Исройлга қарши курашади, Фаластин ерларини озод этишга ҳаракат қиласди.

1982 йилда Ливандан шиаларнинг "Хизбуллох" гурухи тузилади. 1987 йилга келиб эса ҲАМАС тузилади. ҲАМАС – сўзи аббревиатура бўлиб, "Исломий қаршилик ҳаракати"нинг кисқартмаси ҳисобланади.

Бошқа жангари гурухлар қатори ҲАМАСнинг ҳам иккى қаноти мавжуд. Сиёсий қанот ташкилотнинг молиявий ишлари,

ташқи алоказлар, мафкура каби масалалари билан шуғулланади. Ҳарбий қанот эса, Исройлга қарши ҳарбий операциялар ўтказиш, ҳарбий тайёргарлик каби ишлар билан банд бўлади.

ҲАМАС борасида дунё давлатлари учга бўлинади. Исройлдан ташқари, АҚШ, Европа Иттифоқи, Канада, Япония каби давлатлар "террористик ташкилот" деб эътироф этади. Эрон, Қатар, Туркия, Россия Федерацияси, Хитой Халқ Республикаси, Ислом ҳамкорлик ташкилоти, Швейцария ва бошқа кўплаб давлатлар ҲАМАСни "террористик" деб тан олмайди. Араб ва мусулмон давлатларининг мутлақ кўпчилиги, ҲАМАСни "Исройлнинг ноқонуний ҳаракатлariга қарши, Фаластин манфаатлари учун курашатган ташкилот" сифатида эътироф этади. Учинчи давлатлар ҳам борки, улар ҲАМАСни фақат ҳарбий қанотини "террорчи" деб билади, мисол учун, Бирлашган Қироллик.

Саудия Арабистони ҲАМАСни "террорчи" деб айтмайди,

### ҲАМАСнинг бу операцияси қўйидаги геосиёсий вазифаларни кўзлаши мумкин:

- Исройл ва Саудия диалоги, уларнинг ўзаро дипломатик алоқалар ўрнатиши ҲАМАС, унга тарафдор бўлган давлатлар, аввало, Эроннинг манфаатига тўғри келмайди.
- Гарчи Исройл билан барча араб давлатларининг алоқалари нормал бўлганда ҳам, Фаластин давлати тузилемас экан, бу Исройлга ёрдам бермайди – тинчлик ва барқарорликка эришилмайди.
- Исройл тинчлик ва барқарорликка эришиш учун, Фаластин давлатини 1967 йилги чегараларда ташкил топишга рози бўлишдан бошқа чораси йўқ...

Ҳақиқатан ҳам, Фаластин муаммоси, нафақат глобал араб кўчасида, балки салкам икки миллиардлик мусулмон дунёсида ҳам тарихий адолатсизлик сифатида қабул қилинади.

Бу ғарб учун ҳам ўта ноқулай ва қимматга тушаётган муаммога айланиб бўлган. Асосий масала – Исройл давлатининг инжиқ ва тажовузкор раҳбарияти бўлиб, уни Фаластин давлатига ён беришга кўндириб бўлмаяпти.

**17 октябрь куни Фазода яна бир мудҳиш фожия содир этилди. Бу ерда жойлашган шифохонага авиабомбалар ташланди. Оқибатда 800 нафардан ортиқ беморлар, шифокор ва ҳамширалар ҳалок бўлди ва жароҳатланди.**

## БИРЖА САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

**Давлат активларини бошқариш агентлиги Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси маҳаллий ва хорижий инвесторларни давлатга тегишли бўлган қўйидаги акция пакетларини сотиб олиш бўйича биржа савдоларига таклиф этади.**

**Савдога чиқариладиган давлат акция пакетлари тўғрисида қисқача маълумот:**

**Эмитент номи** – "Қўқон нефтгас пармалаш ишлари" акциядорлик жамияти (Фарғона вилояти, Қўқон шаҳар, Истиқлол кўчаси, 63-йў);

**Эмитентнинг фаолият соҳаси** – нефт ва газ күдувларини бурғилаш;

**Давлат акцияларини савдоларга қўйишсанаси ва жойи** – давлат акциялари 2023 йил 20 ноябрда "Тошкент РФБ" АЖда биржа савдоларига қўйилади;

**Савдога чиқариладиган акцияларнинг эми-**тент устав фондидаги фоизи – 51,0 фоиз;

**Савдога чиқариладиган акцияларнинг умумий сони** – 33 424 896 (ўттиз уч миллион тўрт юз йигирма тўрт минг саккиз юз тўқсон олти) дона (оддий) акция;

**Бир дона акциянинг номинал қиймати** – 63 (олтиш уч) сўм;

**Бир дона акциянинг баҳоланиш қиймати** – 1 316, 22 (бир минг уч юз ўн олти сўм йигирма иккитийин) сўм;

**Акциялар пакетининг савдога қўйишдаги бошланғич нархи** – 43 994 773 000 (қўрқ уч миллиард тўқиз юз тўқсон тўрт миллион етти юз етмиш уч) сўм;

**Савдо ташкилотчиси** – "Тошкент РФБ" АЖ; **Лотлар сони** – 1 (бир) та.

Биржа битими энг юқори таклифни тақдим этган талабгор билан биржа қоидаларига мувофиқ амалга оширилади.

Биржа савдоларига чиқарилган давлат акцияларини уларни савдога қўйиши нархи бўйича сотиб олишга иккى о мобайнида буюртманома бўлмаган тақдирда, ҳар 15 кунда бошланғич савдога қўйиши нархининг 10 фоизи миқдорида, лекин бошланғич савдога қўйиши нархининг 50 фоизидан паст бўлмаган ҳолда, савдога қўйиши нархини босқичма-босқич пасайтириш механизми қўлланилади.

Эмитентнинг охирги уч йил ичидаги молиявий-хўжалик фаолияти бўйича тўлиқ маълумотларни сотувчи, эмитент ёки инвестиция воситачисидан олиш мумкин.

Талабгорлар давлат акцияларининг сотувчиси ёки сотувчининг инвестиция воситачиси ҳамда эмитентдан давлат акцияларини сотиб олиш учун ўзи қарор қабул қилиши учун зарур бўлган қўшимча ахборотни сўраш ва олишга ҳақлиdir, ўзининг хусусиятига кўра хизмат ёки тижорат сири ҳисобланган ахборот бундан мустасно.

Талабгорлар 2023 йилнинг 20 ноябрдан бошлаб "Тошкент" РFBда биржа савдоларини ўтказиш Қоидаларига мувофиқ оммавий савдоларни амалга ошириш майдончаси (SPO) орқали давлат акция пакетларини сотиб олишга ариза берилшлари мумкин.

Қўшимча маълумот ва саволлар юзасидан қўйидагиларга мурожаат қилингизни сўраймиз:

**Сотувчи:** Давлат активларини бошқариш агентлиги Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси.

**Манзил:** Фарғона вилояти, Фарғона шаҳар, Алишер Навоий кўчаси, 17-йў.

**Телефон рақами:** 0373 244-29-61.

**Электрон почта манзили:** farg'ona@davaktiv.uz.

**Веб-сайт:** www.davaktiv.uz.

**Сотувчининг инвестиция воситачиси:** "Мулк-сармоя брокерлик уйи" акциядорлик жамияти.

**Манзил:** Тошкент шаҳар, Мустақиллик шоҳкӯчаси, 107-йў.

**Телефон рақами:** 90 993-95-58.

**Телефон факси:** 0371 267-34-96.

Электрон почта манзили: msbu-depozitariy@mail.ru.

Веб сайт: www.ndvakt.uz.

**Эмитент:** – "Қўқон нефтгас пармалаш ишлари" акциядорлик жамияти.

**Манзил:** Фарғона вилояти, Қўқон шаҳар, Истиқлол кўчаси, 63-йў.

Телефон рақамлари: 73 542-25-15, 73 542-25-35.

Электрон почта манзили: kngpi@mail.ru.

**Хурматли маҳаллий ва хорижий инвесторлар!** Биржа савдоларига иштирок этишада ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда, давлат активларини бошқариш агентлигининг қўйидаги ишонч телефонлари орқали хабар беришинизни сўраймиз: (0371) 259-21-37, 1082.

Ўтказиладиган савдоларда омад ёр бўлишини тилаймиз!

Фарғона тумани, "Тинчлик" МФЙ, Ёшлар обод қишлоғи, Марғилон кўчаси, 105-йўда жойлашган Ўзбекистон ҳаваскор ва профессионал Муайтай ассоциацияси Фарғона вилоят бўлимининг Фарғона вилоят адлия бошқармаси томонидан 2010 йил 4 февралда 341-сон билан рўйхатдан ўтган Низом ва маълумотномаси йўқолганилиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

**"ФАРГОНА ҲАҚИҚАТИ" ГАЗЕТАСИ МУХБИРИ ДАВЛАТЖОН ПОЛВОНОВ  
ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИДАН ХАБАР БЕРАДИ**

Алоҳида таклиф доирасида мамлакатнинг энг тез ривожланаётган шаҳарларидан бири – Сянъянга ташриф буюрдик. Қулай географик жойлашув шаҳар урбанизациясини жадаллаштири ва ҳозирда у энг йирик логистика марказларидан бирига айланди. Масалан, божхона қонунчилиги бўйича алоҳида енгилликлар берилган "Сянъян" эркин савдо ҳудудида 44 та корхона фаолият юритса, уларнинг 12 таси чекланмаган муддатга божхона тўловларисиз юк сақлаш билан шуғулланади. Яна 22 та корхона юкларни дунёнинг исталган нуқтасига аниқ ва ишончли тарзда етказиб беради.

## ТАМОЙИЛ МАҚСАДИ – ИНСОНЛАР ҲАЁТИНИ ЯХШИЛАШ

Умумий майдони 2 км.квадрат бўлган ва 2,2 минг иш ўрнига эга ушбу худуд "Cainiao smart logistics network limited" компаниясиning ҳам иқтисодий тараққиётида мухим аҳамият касб этди. Дунёга машҳур "Alibaba" компанияси ташаббуси билан 2013 йилда ташкил этилган "Cainiao" ўтган 10 йил давомида халқаро миқёсда шуҳрат қозонди. Ҳозир ушбу компания логистика фаолияти бўйича дунёда тўртинчи ўринда бормоқда.

Компанияга тегишли юк сақлаш омборларини кўздан кечирар эканмиз, ишчилар ҳаракатидаги аниқлик эътиборимизни торти: ҳар ким ўзига юклатилган вазифани алоҳида эътибор билан бажармокда. Кунига ўртacha 3 минг дона жўнатмани қайта тайёрлаш ва тегишли манзилга юбориш ишчилардан катта масъулиятни талаб қиласди. Айтишларича, омбордаги оғир ишларни автоматлаштирилган тизимга ўтказиш бўйича амалий ҳаракатлар аллақачон бошланган. Келгусида 25 та маҳсус робот бундай ишларни инсон иштирокисиз бажара-диган бўлади.

"Дунёни фаровонлаштириш орқали инсонлар ҳаётини яхшилаш" тамойилига амал қилувчи йирик ишлаб чиқарувчилардан бири – "Dongfeng cammins Injine Co. LTD" компанияси транспорт воситалари учун 100 дан ортиқ турдаги двигателларни йиғиши билан шуғулланади.

У 1987 йилда ташкил этилган бўлиб, 1996 йилда АҚШ-нинг "Cummins" компанияси билан ҳамкорлик ўрнатди ва ўтган 36 йил давомида 4 миллион донадан зиёд двигатели дунё бўйлаб буюртмачиларга етказиб берди. Жорий йил учун ҳам режалар чакки эмас: 180 минг

лантириш жараёнлари барча учун қизиқ, албатта. Ўсмирлик давридан буён чой етиштириш билан шуғулланувчи Хуан Шанхуй сулоланинг 12-вакили. У бутун умрини айни соҳа билан боғлаган – ҳар йили 50 тоннага яқин олий навда



дона двигатель ишлаб чиқариш ҳамда реализация қилиш кўзланган.

**Чой – мамлакатнинг ташриф қофози ҳисобланади. Бу заминда чойни миллий қадрият, кўп минг йиллик анъана ва яна, ифтихор рамзи сифатида қадрлайдилар. Адоқсиз тофёнбағирларида ястаниб ётган чой плантацияларини парваришилаш, чой баргларини бетакрор ва хуштаъм маҳсулотга ай-**

чой тайёрлаб, Малайзия, Сингапур, Россия, Буюк Британия ва Япония каби дунёнинг энг кўзга кўринган давлатларига экспорт қиласди.

Уста-чойчи ўз ишини шу қадар севадики, ҳатто Чой музейини ҳам ташкил этган. Бу ерда 2001 йилдан буён ҳар йили тайёрланган чой намуналари қадоқланган холда сақланади. Шунингдек, барчаси чой ҳақида хикоя қилувчи 8 мингдан зиёд китобни ўзидан жамлаган кутубхона ҳам мавжуд.

## "HOLA FUJIAN": КЕНГ ҚАМРОВЛИ МЕДИА-ГУРУХ

Фуджиан телерадиокомпанияси билан танишув биз журналистлар учун жуда таассуртларга бой бўлди. Мазкур телерадиокомпания 2004 йилда ташкил этилган бўлиб, ўтган вақт давомида телевидение, кино ишлаб чиқариш ва тарқатиш, шунингдек, янги медиа-тармоқларга ихтисослашган кенг қамровли медиа-грухга айланди. Айни пайтда унинг таркибида 10 та телеканал (уларнинг 2 таси сунъий йўлдошга эга), 7 та радиоканал, ҳар ҳафта чоп этиладиган журнал-газета ҳамда кўплаб интернет сайтиларини ўзида бирлаштирган.

"HOLA Fujian" деб аталади. Ушбу платформанинг 6,46 миллион обуначиси мавжуд ва улар "Molimoli", "Mark-follow", "Smile" каби ўнлаб кўнгилочар дастурларни тўғридан-тўғри кузатиб боришли мумкин.

– Биз, асосан, Фуджиан провинциясида оид янгиликлар тайёрлаймиз ва тарқатамиз. Шунингдек, худуд тарихи ва маданиятини ўзида ифодалаган бадиий лавҳалар, ташки ва ички сайёхлик қўламини оширишга хизмат қилувчи дам олиш дастурлари ҳам ижодий "меню"мизни бойитади, – дейди медиа-грух директори ўринбосари жаноб Чжао Лин.

**Фучжоу шаҳридаги IT компаниялар, жумладан, "King Long" эркин иқтисодий зонаси ва автофирмаси фаолияти билан ҳам танишдик. Ушбу корхона "хавфсиз шаҳар" тамойили асосида замонавий дизайн, энерготежамкор тизимлар ҳамда сунъий интеллектга эга жамоат ва маҳсус транспорт воситаларини ишлаб чиқармоқда.**

"King Long" автобуслари билан айни пайтда Тошкент шаҳри аҳолиси ва меҳмонларига хизмат кўрсатилаётгани, Фаргона вилояти ҳокими Хайрулло Бозоровнинг шу йил 11-18 сентябрь кунлари Хитойга ташрифи чоғида вилоят маъмурларини марказида жамоат транспорти хизматини таомиллаштириш учун айни русумдаги автобусдан 70 дона ҳарид қилиш бўйича дастлабки келишувга эришилганини алоҳида таъкидлаш зарур.

Марказнинг алоқа департаменти директори жаноб Танг Женю ҳамкор мамлакатлар соҳа ходимларининг бу каби тажриба алмашиб амалиётлари ҳар икки томон учун ҳам манфаатли бўлишини ургулади.

**Бизнинг манзил:  
150114, Фаргона шаҳар, Сохибқирон Темур кўчаси, 28-йй.**

**Бош мухаррир қабулхонаси: (факс) 73 226-02-70.  
Реклама ва эълонлар: 73 226-71-24.**

**Сахифаловчи: Илҳомжон Жуманов.  
Босишига топшириши вақти: 18.00.  
Топширилди: 16.30.**



**МУАССИС:**  
«Farg'ona haqiqati» va  
«Ferganskaya pravda»  
gazetalarini tahririyati

**Бош мухаррир:**  
Рустам ОРИПОВ.

Газета ҳафтанинг жума қуни чиқади.

2021 йил 18 авгуустда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Фаргона вилояти худудий бошқармасида 12-001 рақами билан рўйхатдан ўтган.

Газета "Полиграф-пресс" МЧЖ босмахонасида таҳририятнинг оригинал макети асосида оғсет усулида А-3 формат (8 саҳифа)да 1936 нусхада чоп этилди. Буюртма № 657. Босмахона манзили: Фаргона вилояти, Марғилон шаҳри, Туркестон кўчаси, 236-«б» ўй.

Баҳоси келишилган нарҳда.

Навбатчи мухаррир: Муаттар Махмудова.